



# XASR

ЎТМОИЙ-СИЙОСИЙ  
GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган,

E-mail:  
axborotXXIasr@yahoo.com  
web sayt: www.21asr.uz

2012 йил 26 апрель, пайшанба  
17-(441)-сон

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



СЕМИНАРЛАРНИНГ ТУМАН ВА  
ШАҲАР БОСҚИЧЛАРИДА 6458  
НАФАР, ВИЛОЯТ  
БОСҚИЧЛАРИДА ЭСА 786  
НАФАР БЎЛАЖАК ТАДБИРКОР  
ИШТИРОК ЭТДИ



КИБРАЙДА 527 НАФАР  
ПАРТИЯ АЪЗОСИ 36 ТА  
БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТГА  
БИРЛАШГАН ҲОЛДА  
ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА



2011 ЙИЛДА 900 МИЛЛИОН  
НАФАР ЁШ ТҮЙИБ ОВҚАТ  
ЕМАЁТГАНИ, 100 МИЛЛИОНДАН  
ОРТИҚ ЎСМИР ЭСА МАКТАБГА  
ҚАТНАШИ ИМКОНИЯТИДАН МАҲРУМ  
БЎЛГАНИ ТАЪКИДЛАНМОҚДА

03 ИСЛОХОТ

05 КҮЙИ  
БЎҒИНЛАРДА

07 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## Тўртинчи ҲОКИМИЯТ

### ЮКСАК ЭЪТИБОР САМАРАЛАРИ

Президентимиз Ислам Каримов томонидан баён этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги долзарб вазифалар белгиланган

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан мазкур йўналишда белгиланган меърий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг ўринбосари Р.Сафоев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий медиа тизимини изчил ислохот этиш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласида катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

2 >>>

## Сиёсий ТАЪЛИМ

### МАРКАЗ АСОСИЙ ТАРБИБОТЧИГА АЙЛАНИШНИ КЕРАК

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия Кўмитасининг IV мажлисида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, «Сиёсий таълим марказлари»да партия фаоллари учун махсус ўқувлар ташкил этила бошланди

O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши ҳузуридаги «Сиёсий таълим маркази» ҳам «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» талабларидан келиб чиқиб, жойларда партия ташкилотлари етакчилари, депутатлик гуруҳлари аъзолари, партия фаоллари ва электорат вакилларига Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини атрафлича тушунтирмоқда.

3 >>>



Сониқ ЗОҚУР олган сурат

## КИЧИК БИЗНЕСНИНГ КАТТА ИМКОНИЯТЛАРИ

«Мустаҳкам оила йили»да O'zLiDeP томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар орасида «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаси пойтахтлик тадбиркор аёлларни ҳам қўллаб-қувватлаш имкониятини кенгайтираётти

«Аёллар қаноти» томонидан Миробод туманида ўтказилган навбатдаги тадбирда ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари, Савло-саиноат палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси масъуллари, маҳалла фаоллари, тадбиркор ва ҳунарманд

аёллар фаол иштирок этдилар. — «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор вазифалар сифат жиҳатдан янги сиёсий-ҳуқуқий шароитлар ҳамда тадбиркорлик учун қўлай имкониятларни вужудга келтирмоқда, — деди тадбирда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамова. — «Аёллар қаноти»нинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури асосида тайёрланган «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» номи лойиҳаси доирасидаги тадбирлар «Мустаҳкам оила йили»да янада такомиллаштирилгани би-

лани ҳам аҳамиятлидир. Мазкур лойиҳа доирасида ўтказилаётган ўқув-семинарларимиз асосан бошловчи тадбиркорларга ҳар томонлама қўмақ беришга қаратилмоқда.

Аввал бошланоқ пухта ўрганилиб, мукаммал тузилган мазкур лойиҳа ўтган қисқа вақт мобайнида ташаббускор хотин-қизларни бирлаштира олди.

3 >>>

## «2012 йил — Мустаҳкам оила йили»

### ФАРҒОНАДА ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАЯПТИ

Вилоятда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашда давлат ва нодавлат ташкилотлар, айниқса, сиёсий партиялар билан ҳамкорлик яхши самара бермоқда

2012 йили вилоятдаги 139 та касб-ҳунар коллежини 58 мингдан зиёд ёшлар тамомлашини инобатга олсак, уларни иш билан таъминлаш масаласига бунчалар катта эътибор қаратилаётганини англагандек бўламиз.

Фарғона вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Шухрат Ғаниевнинг таъкидлашича, Президентимизнинг «2012 йил — Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» номи маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар орасида ёшларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз



эмас. Чунки бу янги авлод вакилларининг мустақил ҳаётга дадил қадам қўйишлари, эмин-эркин фаолият юритиш орқали эртанги кунимизнинг том маънодаги эгаларига айланишлари учун мустаҳкам замин яратди. Шунинг учун ҳам вилоятда аҳоли, айниқса, ёшларни иш

билан таъминлаш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, интеллектуал салоҳиятларини тўла намоён этишлари учун қўлай шарт-шароитлар яратиш учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда.

3 >>>

## Жамият ва шахс

### ИСТИҚЛОЛ ТАРИХИНИНГ ЭНГ ИШОНЧЛИ МАНБАИ

Одатда тоғ бағрида чўққилар юксаклиги учунлар кўзга ташланмаслиги мумкин. Аммо тоғ этакларидан узоқлашсангиз, унинг маҳобати тобора намоён бўла боради

Мен Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» номли асарини ўқиб, ана шу ҳолатга тушдим. Китоб билан танишиш асносида ўша даврларда жавоб ололмаган саволларга ечим топгандек ҳам бўлдим. Кечагидек ёдимда: 1991 йил 31 август кuni Президентимиз Олий Кенгаши сессияси минбарида деб эълон қилган эдилар. Узоқ йиллар чўзилган зулм, қўрқув кайфиятидан халос бўлаётганимизга ишонини қийин эди ўшанда.

Маълумки, инсоният тарихи санокўли давлатлардагина буюк ишларга қодир халқларнинг ўз

йўлбошчилари раҳнамолигида қисқа муддатларда ҳам юз йилларда қўлга киритилиши мумкин бўлган улкан натижаларга эришганларидан далолат беради. Айнан ана шундай даврлар инсоният тарихида бежиз эмас. Чунки айнан истиқлол йилларида озодликка эришган халқимизнинг миллий давлатчилиги қайта тикланди, мустақиллик борасидаги эзгу орзулари ушалди, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади.

Энг муҳими, Ўзбекистонни дунёнинг энг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин эгаллаши учун барча асослар яратилди. Аммо биз бу кунларга осонликча эришмадик. Собиқ иттифоқ раҳбарлари халқимиз ҳаётига зўравонлик билан жорий этилган тизимни сақлаб қолиш учун бутун куч ва имкониятларини ишта солдилар. Фақат кучсиз ва ўз умрини яшаб бўлган тизим XX асрнинг тарихий ҳақиқати олдида ожиз эди. Ана шундай таҳликали даврда иқтисодиёти батамом издан чиққан, ҳалқининг эртанги куниде ишонч сўнган Ўзбекистонни оғир таназзулдан бешикаст олиб ўтиш, янги даврга ўтишнинг ниҳоятда машаққатли ҳамда мураккаб палласида йўлбошчиларни ўз зиммасига олиш учун юксак жасорат ва буюк фидойилик талаб этилар эди.

2 >>>

## Ислохот

### ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан амалга ошириб келинаётган кенг қўламли ислохотлар самарасида миллий иқтисодиётимиз юқори суръатлар билан барқарор ривожланмоқда

Барча тармоқларнинг мувозанатли ривожлантирилиши, Маҳаллийлаштириш дастурининг изчил амалга оширилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган, ички ва ташқи бозорларда харидорнинг импорт ўрнини босадиган ҳамда экспортбop

маҳсулотлар ҳажмини мунтазам оширишга хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида аънаваний тарзда ўтказиб келинаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳа-



лар республика ярмаркаси илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2 >>>

## БУГУНГИ СОНДА:

ЭНДИЛИҚДА ФУҚАРОЛАР ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРГАН СУД ҚАРОРЛАРИДАН НОРОЗИ БЎЛГАН ТАҚДИРДА ЎЗ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ АПЕЛЛЯЦИЯ ЭКИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯЛАРИ ОРҚАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА БЎЛДИЛАР. БИРГИНА 2011 ЙИЛДА 375 ДАН ОРТИҚ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ КАССАЦИЯ ВА АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯЛАРИДА КЎРИЛИБ, КЎПГИНА МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА СУД ҚАРОРЛАРИГА ТЕГИШЛИ ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИЛДИ.

6 >>>

1 Австралия доллари	▲ 1919,82
1 Англия фунт стерлинги	▲ 2992,30
1 Дания кронаси	▲ 329,22
1 БАА дирҳами	▲ 505,36

1 АҚШ доллари	▲ 1856,15
1 Миср фунти	▲ 307,11
1 Исландия кронаси	▲ 14,72
1 Канада доллари	▲ 1867,54

1 Ҳитой юани	▲ 294,32
1 Малайзия ринггити	▲ 606,19
1 Польша злотийси	▲ 585,59
1 СДР	▲ 2867,40

1 Туркия лираси	▲ 1036,32
1 Швейцария франки	▲ 2038,83
1 ЕВРО	▲ 2432,19
1 Жанубий Корея вонги	▲ 16,31

1 Япония иенаси	▼ 228,39
1 Россия рубли	▼ 62,87
1 Украина гривнаси	▲ 232,43

# Жамият ва шахс

## ИСТИҚЛОЛ ТАРИХИНИНГ ЭНГ ИШОНЧЛИ МАНБАИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

**Худойберди КОМИЛОВ,**  
Ургут туманидаги  
97-умумтаълим мактаби  
директори,  
O'zLiDeP аъзоси

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» асарини қайта-қайта ўқир эканмиз, собиқ иттифоқ ҳаётининг сўнгги йилларидаги ана шу давр қанчалар оғриқли кечгани, рўй берган парокандаликнинг сабаб ва оқибатларини аққолроқ ҳис этгандек бўламиз.

Айни пайтда ўтмишнинг энг мураккаб ва энг кескин даври бўлган истиқлол арафасида мамлакатимизда содир бўлган сиёсий жараёнлар, озодликка эришиш йўлидаги курашлар тарихига бағишланган шу китоб барча юртдошларимиз томонидан истиқлол тарихини ҳаққоний ифодалаган қомусий асар сифатида эътибор эъланди.

Зеро, дунёнинг айрим мамлакатларида собиқ мустақил тузумни қўмсаб, турли иттифоқлар тузиш орқали халқларни яна «бирлаштириш»га қаратилган таги пуч гоё ва чақириклар янграётган бугунги кунларда Президентимиз асари ҳар биримиз, айниқса, ёшлар учун муҳим ахборот манбаига айланапти.

Китобни ўқир эканман, бугунги фаровон ҳаётимиз, буюк келажакимиз


миз ҳали мустақилликка эришмасимиздан анча аввал Юртбошимиз тафаккурда шаклланганига амин бўлдим. 1990 йил 16 июнь кунини республиканинг иқтисодий мустақилликка ва бозор иқтисодиётига ўтиш масалаларига бағишланган кенгашида Президентимиз мақсадни кўндаланг қилиб: «Биз учун асосий йўналиш, барча вазифаларни ҳал этиш калити — Ўзбекистоннинг реал сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллигини таъминлашдир», дея очиқ-ойдин айтгандилар.

Орадан тўрт кун ўтгач, яъни 1990 йилнинг 20 июнида яна бир тарихий воқеа содир бўлди. Ҳали мустақилликка эришган мамлакатимизда собиқ СССР президенти фармони билан бекор қилинган ва Вильнюс, Рига, Таллиннинг Москва билан зиддиятлари қонли можароларга бориб етган эди. Натияжада ушбу республикаларга миллатчилик, айирмачилик, бузғунчилик сингари айбонмалар ёпиштирилди. М.Горбачёвнинг 1990 йилнинг 14 майида эълон

**ЗЕРО, ДУНЁНИНГ АЙРИМ МАМЛАКАТЛАРИДА СОБИҚ МУСТАБИД ТУЗУМНИ ҚЎМСАШ, ТУРЛИ ИТТИФОҚЛАР ТУЗИШ ОРҚАЛИ ХАЛҚЛАРНИ ЯНА «БИРЛАШТИРИШ»ГА ДАЪВАТ ЭТУВЧИ ТАГИ ПУЧ ГОЯ ВА ЧАҚИРИҚЛАР ЯНГРАЁТГАН БУГУНГИ КУНЛАРДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ АСАРИ ҲАР БИРИМИЗ, АЙНИҚСА, ЁШЛАР УЧУН ЎТА МУҲИМ АХБОРОТ МАНБАИГА АЙЛАНАЯПТИ.**

қилинган ушбу фармони том маънода эркинликка нисбатан ҳар қандай ҳаракатга қўйилган чеклов эди. Шу маънода, Ўзбекистон парламентида қабул қилинган Мустақиллик Декларацияси худди ёзда чақнаган чақмоқдек марказдагиларни чўчитиб юборди.

Декларация қабул қилинган кунларда, 1990 йилнинг 3 июлида Президентимиз томонидан ана шу тарихий ҳужжатга акс этган фикрлар Кремль сьездлар саройи минбари орқали ҳам янгради:



«Биз мустақилликни оғизда эмас, балки амалда ҳис этайлик». Бу сўзлар янги иттифоқ шартномасини сафсатабозликка айлантиришга уринганлар учун қутилмаган муносабат эди. 1991 йил 29 январда «Известия» газетасининг мухбири билан бўлиб ўтган суҳбатда Юртбошимиз ушбу талабни янада аниқлаштирди:

«Ўзбекистон ўз ҳудудидаги барча табиий бойликларга ҳамда республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга эгаллик қилиши керак».

Бу гаплар нафақат иқтисодий, балки эски коммунистик жамиятнинг ўқ илдизига урилган болта эди. Айни масала ҳали мустақилликка эришмасдан туриб кўзланган мақсад, кейинчалик инқироз оқибатларини юмшатишга ва бугунги кунларимиздаги шиддатли тараққиёт

мизнинг тамал тошлари бўлганлигини энди-энди англаб етаймиз.

Бир сўз билан айтганда, қандай муаммолар масала бўлмасин, ўша қалти даврда Президентимиз томонидан қабул қилиниб, ҳаётта татбиқ этилган барча қарор ва ечимлар кейинчалик ўзини тўла оқлаб, Ўзбекистонда аввал бошиданок тўри йўл танланганини исботламоқда. Бундай муҳим қарорлар асосини эса шубҳасиз, Мустақиллик Декларацияси ташкил этди.

Шунинг учун ҳам энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мустақилликнинг эълон қилинган 1 сентябрь кунини билан бир қаторда истиқлолимиз деб ҳисоблайман.

## Имтиёз ВО ИМКОНИЯТ

### ИННОВАЦИОН ГОЯЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

**Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,**  
Ўза мухбири

Мазкур ярмарка орқали саноатта инновацион гоё ва технологиялар жорий этилиб, ишлаб чиқаришнинг сифат ва самардорлиги ошмоқда, мамлакатимиз илмий салоҳияти янада юксалмоқда, олимларнинг илгор гоё ва ташаббуслари қўллаб-қувватланиб, муносиб рағбатлантирилмоқда.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган ярмаркаларда Андижон қишлоқ хўжалиги институти олимлари ҳам пахта ва донли экинларнинг ҳосилдор ва эртапишар янги навларини яратиш, ўсимликларни зараркуналлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, чорвачилик ва бодорчиликда ҳосилдорликни, иш унуми ва самардорлигини оширишга қаратилган илмий ишланма ва технологиялари билан фаол иштирок этиб келмоқда.

И н н о в а ц и о н гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар IV республика ярмаркасида институт профессор-ўқитувчилари томонидан тажрибадан муваффақиятли ўтган 15 янги ишланма намойиш этилиши ҳам бунинг асосий қисми бўлади.

И н н о в а ц и о н гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар V республика ярмаркасида институт профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари томонидан 12 илмий ишланма намойиш қилинди.

Техника фанлари номзоди Қобилжон Холмиров яратган «Ил ва ипсоник материалларга елим суртиш мосламаси» электродвигателлар чўғамаларини мис сим билан ўраш ва симларни изоляция қилишда хориждан олиб келинадиган хомашё учун сарфланадиган харажатларни камайтириш имконини беради. Яъни, елим-лакдан фойдаланиш орқали мис симнинг сифат кўрсаткичлари белгиланган стандартлар даражасида бўлиши таъминланади. Ярмаркада мазкур ускунани ишлаб чиқаришга жорий этиш

Мақамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг фахрий ёрлиғига сазовор бўлди.

Мазкур илмий ишланма ва лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш юзасидан қатор корхона, муассаса ва фермер хўжаликлари билан институт ўртасида 40 шартнома тузилиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилди.

— Шартнома асосида «Олтинқўзни кўпайтириш ускунаси»ни сотиб олиб, ундан фойдаланишни йўлга қўйди, — дейди Олтинқўз тумани ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди раҳбари Элёрбек Эргашев. — Мазкур ускуна кўп меҳнат ва вақт талаб этадиган, 1 минг 500 донга махсус банкларда кўпайтириладиган олтинқўзни сифатли ва қисқа фурсатда кўпайтириш имконини бermoқда.

Дарҳақиқат, Андижон қишлоқ хўжалиги институтида олимларнинг тадқиқот ва илмий изланишлар олиб боришлари учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Ўсимликларни ҳашарот ва зараркуналлардан ҳимоя қилишни таъминлаштириш, пахта ва галланинг янги навларини яратиш, уларни парвартиштиришнинг замонавий техника ва технологияларини жорий этиш юзасидан олиб бориладиган илмий изланишлар самараси юқори бўлаётир.

И н н о в а ц и о н гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар V республика ярмаркасида институт профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари томонидан 12 илмий ишланма намойиш қилинди.

Техника фанлари номзоди Қобилжон Холмиров яратган «Ил ва ипсоник материалларга елим суртиш мосламаси» электродвигателлар чўғамаларини мис сим билан ўраш ва симларни изоляция қилишда хориждан олиб келинадиган хомашё учун сарфланадиган харажатларни камайтириш имконини беради. Яъни, елим-лакдан фойдаланиш орқали мис симнинг сифат кўрсаткичлари белгиланган стандартлар даражасида бўлиши таъминланади. Ярмаркада мазкур ускунани ишлаб чиқаришга жорий этиш

катта иқтисодий самара келтириши мутахассислар томонидан эътироф этилди.

— Олимларимиз тақдим этган илмий ишланмалар, қурилма, ускуна ва ресурстежамкор технологиялар шиқ-пукталиги ва истиқболли экани билан аҳамиятлидир, — дейди Андижон қишлоқ хўжалиги институти ректори, биология фанлари доктори Ботиржон Сулаймонов. — Шу боис ярмаркада корхона, ташкилот ва муассасалар билан қарийб 64 миллион сўмлик йигирмата шартнома имзоланди.

Шартнома шартларини бажариш, гоё, илмий ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш юзасидан корхона, муассаса ва фермер хўжаликлари билан изчил иш олиб боришмоқда.

Юртимизда инновацион фаолиятнинг Президентимиз томонидан доимий қўллаб-қувватланиши самарасида институт илмий салоҳияти йилдан-йилга ошиб бermoқда. Бунинг 2011 йилда ушбу даргоҳда ташкил этилган институт олимлари, талабалари томонидан яратилган инновацион гоёлар, илмий ишланма ва технологиялар музейи ҳам акс эттириб турибди.

Бундан ташқари, мамлакатимизнинг илмий-техникавий, иқтисодий-иқтисодий юксалишини таъминлаш, юқори сифатли ва рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқаришга қўмқашадиган инновацион лойиҳаларни яратиш, олинган натижаларни амалиётга жорий этиш, интеллектуал капитални шакллантириш ва шу орқали тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида институт қoшида «Инновация ва инвестиция имкониятлари» давлат корхонаси ташкил этилди. Айни пайтда корхонада ушбу йўналишдаги ишлар самардорлигини ошириш, айниқса, олимларнинг илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида, шунингдек, Германия билан ҳамкорликда жорий этиладиган «Logo» дастури доирасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Институт олимларини бундан йилдан йилга Инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар V республика ярмаркасида юксак самаралар бериши, шубҳасиз.

## Депутат сўз сўрайди

### АСАЛАРИЧИЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНИШИ КЕРАК

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чоратadbирлари тўғрисида» ва 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги қарорлари мамлакатимизда чорвачиликни, шу жумладан, асаларичиликни ривожлантиришни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлганини таъкидлаш жоиз.**

Шу асосда Вазирлар Мақамасининг «2009-2011 йилларда асаларичилик соҳасини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган чора-таdbирлар» дастури қабул қилингани эса бу борадаги ишларни тизимли ташкил қилиш имконини берибди.

Натияжада ушбу соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги технологияларни жорий қилиш, асаларичилик билан шуғулланувчи хўжаликлар сонини кўпайтириш, истеъмол бозорини сифатли асал ва асал маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш имконияти кенгайди. Шунингдек, мазкур дастурга асосан 2012 йилда республикада асалари оилалари сонини 275,8 мингтага, асал ишлаб чиқаришни эса 4500 тонна-

га ошириш қўзда тутилмоқда. Бунинг учун ички имкониятлар етарли, албатта. Чунки Ўзбекистон ўзининг бетакрор табиати ва ўзига хос иқлим шароити билан бошқа мамлакатлардан ажралиб туради. Яъни, мамлакатимизда асалариларни эрта баҳордан то кеч кузгача тезкор технологиялар асосида боқиш, асалари маҳсулотлари этиштиришни кўпайтириш учун қулай шароитлар мавжуд.

Асаларичиликни ривожлантиришнинг яна бир афзаллиги шундаки, асалари ёрдамида хангалатилган қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги 60 фоизгача ортиши мумкин. Бу эса қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари ва даромад олиш имкониятини кенгайтиради.



**Абдуҳолик ЖАБОРОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси

Қонунчилик амалиёти эса айни пайтда мазкур истиқболли соҳани янада ривожлантириш учун унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Чунки асалари маҳсулоти бўлган асал, гулчанг, мум, асалари захри ва сутини қайта ишлаш, уни кенг қўламда савдога чиқариш ва улардан фойдаланишга оид ҳужжатлар, афсуски, мавжуд шароитта мос ҳолда ишлаб чиқилмаган. Бу борада фақат 2001 йилда «Ўзбеккаса» уюшмаси томонидан прополисга норматив-техник ҳужжат амалга киритилган бўлиб, у ҳозир барча тиббиёт муассасаларида қўлланилмоқда.

Шу ўринда бугунги кунда асаларичиликка оид 13 та халқаро норматив ҳужжат ишлаб чиқилганини таъкидлаш лозим. Улар асосида соҳага эътибор қаратаётган дунёнинг 120дан зиёд давлати асал маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уни қайта иш-

лаш ва экспорт қилиш орқали катта даромад олмақда.

Мамлакатимиз ҳам ушбу техник-меъёрий ҳужжатларга қўшилган бўлиб, ҳозирги кунда уларни қўллаб келмоқда. Асаларичилик соҳасидаги ушбу ҳужжатларнинг айримлари 70-йилларнинг охирида яратилган бўлиб, айни пайтда уларни республикамиз шароитида келиб чиқиб, асаларичилик соҳасига мослаштириш лозим. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида 1966 йилда амалга киритилган «Асаларичиликка оид технология картаси» ва 1983 йилда ишлаб чиқилган «Асаларичилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги нормативлар» мавзусидаги меъёрий ҳужжатлар борки, улар ҳам бугунги кун талабларига мос келмапти. Бир сўз билан айтганда, ана шу ҳужжатларни замонавий талаблар асосида қайта қўриб чиқишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

## Сарҳисоб

### 78,6 ФOИЗИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ФOЙДАСИГА

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2012 йилнинг I чораги якунларига бағишланган йилгиликда модернизация ва ишлаб чиқариш қувватларини тиклаш мақсадида жорий йилнинг дастлабки уч ой давомида 604,6 млрд. сўм миқдорда инвестиция жалб қилинган, шу жумладан, тижорат банклари ҳисобидан 420,1 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилгани маълум қилинди.

Аҳамиятлиси, ана шу сарф-ҳаракатлар натижасида аҳолига 1040,8 млрд. сўм ҳажмдаги хизматлар кўрсатилиб, қарийб 4 мингта янги иш ўрни яратилган.

Шунингдек, йилгиликда рақобат ҳамда монополия фоллят ҳақидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибларни бузган корхоналар жами 8,7 млрд. сўм миқдорда жаримага тортилган, шундан 6 млрд. сўми давлат бюджетига ҳисобига, 1,2 млрд. сўми эса истеъмолчилар фойдаланишига таъкидланди. Қўмита бошқармаларига 2012 йилнинг I чорагида 2231 та (804 та ёзма ва 1427 та ипсоник телефонлари орқали) мурожаат келиб тушгани, ўз навбатида, ушбу шикоятларнинг 78,6 фоизда истеъмолчилар фойдасига ҳал қилиниб, бу борада уларга етказилган 324,4 млн. сўмлик зарарни ундириш бўйича тегишли қарорлар чиқарилгани маълум қилинди.

## Тўртинчи ҲОКИМИЯТ

### ЮКСАК ЭЪТИБОР САМАРАЛАРИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Бугунги кунда юртимизда газета, журнал, ахборотнома-биоlettень, радио, телевидение, ахборот агентликлари, веб-сайтлар каби жами етти турдаги оммавий ахборот воситаси рўйхатга олинган. Улар Ўзбекистонда яшаётган мигрантларнинг етти тилда ва сиёсий-иқтисодий, иқтисодий, маънавий-маърифий, спорт каби йигирмадан ортиқ иқтисодиклар бўйича фаолият олиб бermoқда.

2012 йилнинг 1 апрель ҳолатига қўра, рўйхатга олинган оммавий ахборот воситаларининг умумий сонини 1254 таши ташкил этади. Улардан 706 таси газета, 255 таси журнал, 16 таси ахборотнома-биоlettень, 4 таси ахборот агентлиги, 64 телевидение, 36 радио, 173 таси веб-сайтлардир.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида медиа соҳани изчил ислоҳ этишга доир миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича долзарб вазифалар белгиланган. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари ва ахборот олиш соҳасидаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ҳамда «Оммавий ахборот воситаларининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қарорлари тўғрисида»ги қонунларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилди. Уларни тайёрлашда соҳадаги долзарб масалалар, хорижий давлатлар тажрибаси, мутахассислар ва кенг жамоатчилик фикри атрафлича ўрганилди.

Мазкур қонунларнинг қабул қилиниши оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтига тизимли равишда ўзини янада юксалтириш, уларнинг моддий-техник базаси ва иқтисодий аҳволини мустаҳкамлаш, ҳамюртларимизнинг сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига батафсил жавоблар қайтарилиди.

(Ўза)



# Жараён

## ЮТУҚЛАРНИ «ЎЗЛАШТИРИШ» ДАВРИ ЎТДИ

Ўш халқ депутатлари Сирдарё туман кенгашидаги депутатлар фаолиятининг ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар талабига жавоб бераётгани хусусида

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,  
Акбар МУЗАФФАРОВ,  
«XXI ASR»

Эркин фуқаролик жамияти барпо этиш, демократик жамият қуриш йўлидан ладил оқимлаётган юртимизда истиқлол йилларида ўз аҳамиятига кўра асрларга татигулик янгилашлар рўй берди. Илҳол ислохотлар натижасида юртдошларимизнинг сиёсий ва фуқаролик фаолияти ошди, онгу тафаккуримизда юз бераётган ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга бўлган ишончи тобора мустаҳкамланмоқда. Айни пайтда юртдошларимиз учун мамлакат бошқарувида фаол қатнашиш, ўз манфаатларини турли жамоат ташкилотлари, жумладан, сиёсий партияларга уюшган ҳолда ҳимоя қилиш имконияти яратиб берилди.

Шу ўринда сиёсий партиялар фаолияти ҳам ўз аъзолари орасидан сайланган халқ вакиллари — депутатлар орқали давлат бошқарувида иштирок этиш, жамият ҳаёти ва тараққиётига таъсир кўрсатиш жараёнида тобора мустаҳкамланиб бораётганини қайд этиш керак.


Табиики, бу жараёнда ҳар қандай сиёсий куч ҳокимият учун курашишни баробарида ўз сайловчилари ишончини оқлаш, уларнинг ҳаётий эҳтиёжларини амалдаги қонунлар доирасида қондиришлари лозим бўлади. Бу эса нафақат марказда, балки жойлардаги партия фаоллари, хусусан, маҳаллий кенгашлардаги депутатлар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Ҳўш, ислохотларнинг бутунги босқичида жойлардаги маҳаллий кенгаш депутатлари ўзларига билдирилган ана шу ишончни қай даражада оқламоқдалар? Биз ана шу саволга жавоб топиш мақсадида 65 мингдан зиёд сайловчиси бўлган Сирдарё туманида бўлиб, сиёсий партиялардан сайланган депутатлар фаолияти билан танишидик.

Маълумот ўрнида Сирдарё туманидаги 30 та сайлов округидан сайланган депутатларнинг 13 нафари ўзХДН, 11 нафари О'зЛиДеР, 6 нафари Миллий тикланиш партияси аъзоси эканини таъкидлаш мумкин. Албатта, ҳар қандай сиёсий партияга унинг ана шу ҳудуд сиёсий ҳаётида иштироки ва бу жараёндаги ҳиссасига қараб баҳо берилади. Туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Азизмурод Курбоновнинг таъкидлашича, ўтган йилда ҳам, жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам сиёсий партияларнинг депутатлик гуруҳлари томонидан бирорта масала туман кенгаши сессиясига олиб чиқилмаган. Маҳаллий кенгаш депутатлари бу ҳолатни мавжуд муаммоларни депутатлик сўрови институтидан фойдаланган ҳолда жойларда ҳал этилаётгани билан изоҳламоқдалар. Шунингдек, аксарият масалалар бевосита кенгашдаги доимий комиссиялар томонидан ўрганилиб, муҳокама этилган ва тегишли қарорлар чиқарилган. Жумладан, 2011 йилда Миллий тикланиш демократик



Солмак ЗОИР олган суратлар



**АНА ШУ МИСОЛ АЙРИМ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЖОЙЛАРДАГИ ВАКИЛЛАРИ ҲАЛИ-ҲАНУЗ ЎЗ ВАКОЛАТЛАРИ ДАРАЖАСИДА ИШ ОЛИБ БОРМАЁТГАНЛАРИНИ, «МЕН СЕНГА ТЕГМАЙМАН, СЕН ЭСА МЕНГА» ҚАБИЛИДА ИШ ЮРИТАЁТГАНЛАРИНИ КўРСАТМОҚДА. ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН УЛКАН ИШЛАР НАТИЖАСИГА ШЕРИК БЎЛИШДАН ОСОНИ ЙЎҚ, АЛБАТТА. ХУСУСАН, ТУРЛИ УЧРАШУВ ВА ТАДБИРЛАРДА, АЙНИҚСА, САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН МУЛОҚОТЛАРДА БИЗ ФАЛОН ИШНИ АМАЛГА ОШИРДИК, ДЕЯ БАЛАНДПАРВОЗ МАЪРУЗАЛАР ҲАЙЛАТГАНИДА ҲУКУМАТ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАРНИ «ЎЗЛАШТИРИШГА» ЧЕК ҚЎЙИШ ПАЙТИ КЕЛМАДИМИКИН?**

партияси томонидан 2 та, О'зЛиДеР вакиллари томонидан 8 та масала юзасидан турли идораларга депутатлик сўровлари жўнатилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса ХДП вакиллари 2 та, О'зЛиДеР вакиллари 1 та депутатлик сўрови билан давлат танкидотларига мурожаат қилганлар.

«Йўқдан кўра бор», бўлса-да, 2012 йилнинг ўтган уч ойи давомида ана шундай сўровлар билан чекланиш ҳақиқатан ҳам сиёсий партияларга обрў келтирмайди. Энди Сирдарё туманида давлат дастурлари, Президент фармонлари асосида амалга оширилаётган ишларни бир таҳлил қилсак.

Энг аввало, мазкур туманининг нафақат вилоят, ҳатто республика миқёсида ҳам ибратли кўрсаткичларга эга мазмурий ҳудуд эканини таъкидлаш жоиз. Айни пайтда 111 минг фуқаро истиқомат қилаётган Сирдарё туманида жами 2865 та кичик бизнес субъекти, 11 та чет эл сармояси иштирокидаги қўшма корхона, 423 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Ҳудуддаги корхоналарга жалб этилган инвестициялар ҳажми 2010 йилда 80 млрд. сўмга етган. Туманда бир йилда ўртача 100 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари, 50 млрд. сўмлик зиёд истеъмол моллари, деярли 90 млрд. сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

нинг фикрича, агар давлат ва ҳудудий дастурлар ижросини таъминлашда сиёсий партиялар, улардан сайланган депутатлар фаол иштирок этиб, жойларда жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтириларида бу кўрсаткичлар янада салмоқли бўларди.

Ваҳоланки, сиёсий партияларга яратиб берилган шарт-шароит ва ваколатлар нафақат марказда, балки жойларда ҳам Давлат дастурлари, йирик лойиҳалар ва амалдаги қонунлар ижросини қатъий назорат қилиш қонинини берди. Аммо халқ депутатлари Сирдарё туман кенгашидаги депутатлар фаолияти айрим ҳудудларимизда ҳалигача сиёсий партиялар иши талаб даражасида эмаслигини кўрсатмоқда. Айниқса, бу ҳолат фуқароларнинг мурожаатларига бўлган муносабатда яққолроқ кўзга ташланаётган.

Сирдарё вилоятининг Оқоттин тумани, Фарғона қишлоғи, Бобур кўчаси 8-уй, 1-хонадонда яшовчи фуқаро Абдуманноб Эгамовнинг тахририятга йўллаган мактубига эътибор берсин. Муаллиф ХДП аъзоси сифатида ўз муаммосига чора излаб, 2012 йил 22 февралда ХДП Марказий кенгашига ёзма мурожаат қилган. А.Эгамов ўзи ҳамда яна бир гуруҳ қамқабларига нисбатан суд идораларининг қарорларидан норози эканини билдириб, ЎзХДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг қонуний ваколатлардан фойдаланган ҳолда ўз манфаат ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари учун сўраган. «Афсуски, — деб ёзади хат муаллифи, — аризмани Сирдарё вилоят ЎзХДП кенгашига қўриб чиқиш учун қайтариб жўнатишибди. Вилоят кенгаши эса мен билан қизиқмади ҳам. На учрашиб дардимни тинглашди, на қўнғироқ қилишди. Аризм тақдирини суриштириб, ХДП Марказий кенгашига борсам, ХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси А.Тошматовнинг 2012 йил 24 мартдаги жавоб хатини қўлимга тутқизишди. Жавоб хатидан ан-

жасида иш олиб бормаётганларини, «мен сенга тегмайман, сен эса менга» қабиллида иш юритаётганларини кўрсатмоқда. Давлатимиз томонидан амалга оширилаётган улкан ишлар натижасига шерик бўлишдан осони йўқ, албатта. Хусусан, турли учрашув ва тадбирларда, айниқса, сайловчилар билан ўтказилган мулоқотларда биз фалон ишни амалга оширдик, дея баландпарвоз маърузалар ўқилаётганида ҳукумат томонидан амалга оширилган ишларни «ўзлаштиришга» чек қўйиш пайти келмадимикин? Зеро, ўтган сайловлар давридаги ваъдаларини бир эсга олсак, бу йўл хато эканига ишонч ҳосил қиламиз. Худди шундай ҳолат сиёсий партияларнинг бошқа соҳаларга муносабатида ҳам кўзга ташланаётган. Мана бир мисол: айни пайтда Сирдарё туманида 7 та касб-ҳунар коллежи бўлиб, 2012 йилда уларни 1978 нафар талаба тамомлайдди. Бугун уларни иш билан таъминлаш учун 160дан ортиқ корхона ва ташкилотлар билан уч томонлама шартномалар имзолашга эришилди. Ҳўш, бу жараёнда сиёсий партиялар вакиллари қай даражада иштирок этаётганлар? Бизнингча, депутатлик сўровлари билан чекланмай, партия фаоллари барча соҳа ва тизимларда амалга оширилаётган ўзгаришларга нисбатан жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтирсалар, амалдаги қонунларнинг мазмун-моҳиятини юртдошларимизга етказсалар, фуқароларни Давлат дастурлари ва йирик лойиҳаларни ижросини таъминлашда фаол иштирок этишга даъват этсалар, партиянинг обрўси ҳам, жойлардаги эътибори ҳам ошган бўларди.

### Учинчи сектор

## «ҲАМРОҲ» ЁШЛАР ҲАМРОҲИГА АЙЛАНДИ

Андижондаги «Ҳамроҳ» нодавлат нотижорат ташкилоти қарийб 6 йилдан буён вилоят ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этаётган

### Ўз мухбиримиз

Асосан таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий йўналишларга ихтисослашган мазкур ташкилот 2007 йили «Дунё ёшлар нигоҳида» акциясини амалга ошириш орқали жамоатчилик эътиборини қозongan эди. Фуқаролик жамиятининг барча қатламларида ижтимоий шерикчилик муносабатларини кучайтириш, ёшлар муаммоларини самарали ҳал этиш усулларини ишлаб чиқишга йўналтирилган ушбу тадбирни амалга оширишда «Ҳамроҳ»га Андижон вилоят адлия бошқармаси, «Ҳамкорбанк»нинг вилоят бўлими,

«Камолот» ЁИХ, «Image Print» реклама агентлиги яқиндан ёрдам кўрсатдилар. Лойиҳа бўйича 5 та ижтимоий ролик тайёрланиб, маҳаллий телеканаллар орқали намойиш этилгани, уларда ёшлар ҳаётига онд ижтимоий муаммолар тўла акс эттирилиб, ечим буйича амалий тақлифлар билдирилгани кўпчилик эътиборини тортиди. Бугун «Ҳамроҳ» 2011-2012 йилларга мўлжалланган «Битирувчи, ўзинг танла» лойиҳасини амалга ошираётган. Унинг эътиборли жиҳати шундаки, лойиҳа ёшлар учун касб ва иш танлашнинг истиқболли усулларини ишлаб чиқиш ва уларни кенг тарғиб этишга қаратилгандир. Унда 4 та олий ўқув юрти ва 2 та касб-ҳунар коллежидан айнан ана шу вазифаларни қамраб олган

семинар ва маҳорат машгулотлари ўтказилмоқда. Албатта, бундай тадбирларнинг мунтазам ўтказилиши ёшларнинг тўғри йўл танлашида муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, бугун ёш булишга қарамай, ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлганлар кўпчилигини ташкил этади. Интилиши ва ташаббускорлиги тўғрисида қўл ураётган йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларда соҳага доир назарий ва амалий қўнғималарни шакллантириш мақсадида «Ҳамроҳ» янги йўналиш — «Энг яхши бизнес лойиҳа» танловини ўтказишга киришди. Бунда О'зЛиДеР Андижон вилоят кенгаши, Савдо-саноат палатаси, ОАТБ «Микрокредитбанк» ва «Камолот» ЁИХ билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда.

### Партия ҳаёти

## «ҚАЛЬ НУРИ» ТАШАББУСИ БИЛАН

Жиззах вилоят ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси ва О'зЛиДеР вилоят кенгаши билан ҳамкорликда Жаҳон банкининг Ижтимоий ривожланиш жамғармаси дастури доирасида Фориш агро коллежида «Қишлоқ аёлларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ўргатиш» лойиҳаси бўйича ўқув-семинар ўтказди. Маълумки, хотин-қизлар қўмитаси қўмитаси «Қаль нури» аёллар ва уларнинг оилаларига ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази томонидан тайёрланган мазкур лойиҳа Жаҳон банки ижтимоий ривожланиш фонди дастурининг 4 млн. 445 минг АҚШ доллари миқдоридagi грантига сазовор бўлган эди. Мазкур лойиҳа доирасида вилоятнинг 5 та чегара ҳудуди бўлган Бахмал, Зомин, Мирзачўл, Фориш ва Янгибод туманлари қишлоқ аёлларига тадбиркорлик асослари бўйича ўқув-семинарлар ўтказиш, хотин-қизларни оилавий тадбиркорликка йўналтириш бўйича қисқа муддатли курслар ташкил этишга киришилди. Дастлабки семинар иштирокчилари тадбиркорлик асослари, кредит олиш тартиблари, бизнес-режа тузиш ва хусусий бизнесни йўлга қўйиш бўлимида зарур билим ва қўнғималарга эга бўлиб, ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар. Шундан сўнг, қандолатчилик, тивувчилик ва саргарошлик йўналишлари бўйича курсларнинг тақдими бўлиб ўтди. Турли ҳудудлардан келган уй бекалари, коллеж битирувчи талабалари бир неча гуруҳларга бўлинган ҳолда ўқув машгулотларида иштирок этидилар.

Сайёра БУРОНОВА тайёрлади.

### Матбуот анжумани

## ТЕАТР УЙҲОНДИ. ТОМОШАБИН ҲАМ...

Мамлакатимиздаги 37 та театр, жумладан, 1 та опера ва балет, 7 та драма, 11 та мусиқали драма, 3 та мусиқий, 2 та ёшлар, 2 та ёш томошабинлар, 10 та қўнғироқ театрлари ҳамда 1 та театр студияси томонидан мавсум давомида 150 дан ортиқ спектакль саҳналаштирилиб, томошабинлар эътиборига ҳавола қилинмоқда

### Ўз мухбиримиз

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Омонулло Ризаев. — Бундан ташқари, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония ва Хитой сингари мамлакатларга гастроль сафарларини уюштирган санъаткорларимиз Ўзбекистон театрини дунёга танитмоқдалар.

«Сарҳисоб», «Мустақиллик тимсоли», «Хумо», «Дебют», «Theatre.UZ» каби кўрик-фестиваллар ўтказилди, — дейди «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Омонулло Ризаев. — Бундан ташқари, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония ва Хитой сингари мамлакатларга гастроль сафарларини уюштирган санъаткорларимиз Ўзбекистон театрини дунёга танитмоқдалар.

Шер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқий, Фарғона вилоят рус драма театрларида таъмирлаш ишлари давом эттирилаётгани таъкидланди. — Театр — тирик жон. Шу боис унда асарлар савияси, режиссёрлар этишмаслиги каби муаммолар ҳам учраб туради. Айни пайтда республикада санъат билан дароҳотли билан биргаликда ана шу камчиликларни тўлдирishга ҳаракат қилаётишимиз, — дейди Ўзбек Миллий академик драма театри директори, Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов. — Сир эмаски, ўз вақтида театрларимиз хувийлаб қолган эди. Залда томошабинлар сони саҳналаги актёрлар сонидан камайиб кетган ҳоллар ҳам бўлган. Бугун эса театрлар яна ўз томошабинини топди.

**Б**ухоро вилоятининг Шофиркон, Ромитан, Пешку, Қоровулбозор ва Ғиждувон туман партия кенгашларида БПТ раислари иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилиб, уларда «Мустақам оила йили»да O'zLiDeP олдида турган устувор вазифалар муҳокама қилинди. Тадбирлар давомидида электротат учун муҳим бўлган масала — оилавий бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш юзасидан кўплаб таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

**С**ирдарё вилояти Ширин шаҳри марказий шифоҳонаси қошидаги БПТда бўлиб ўтган навбатдаги семинар Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобининг мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланди. Сўзга чиққанлар ушбу асар аҳоли, айниқса, ёшларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириш, уларда мафқуравий иммунитетни шакллантиришда катта аҳамият касб этишини таъкидладилар.

**Ж**иззах вилояти Арнасой тумани «Деҳқон бозори» қошидаги бошланғич партия ташкилотидида «Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини кенгайтириш, иқтисодий ривожланиш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш омили» мавзусида очик мулоқот уюштирилди. Тадбирда тушган таклифлар асосида мулкдорларнинг манфаатларини ҳуқуқий ҳимоялаш, улар учун янада кенг имкониятлар яратишга қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

# Бошланғич партия ташкилотларида

Пайшанба | 2012 йил 26 апрель | WWW.21ASR.UZ  
17(441)-СОҲ e-mail: axborot21asr@yahoo.com

## қуйи бўғин юқори эътиборни талаб этмоқда

O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши мутасаддилари диққатига!

**Зиёдулла МҲМИНОВ,  
Шухрат РАҲИМОВ**  
«XXI ASR»

Маълумки, ҳар қандай сиёсий кучнинг нуфузи, шу-бҳасиз, унинг қуйи бўғинларидаги фаолияти билан белгиланади. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши асосий эътиборни БПТлар фаолиятини кескин жонлантириш, жойларда партиявий-ташкिलий ишларни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш масалаларига қаратмоқда.

Айни пайтда Тошкент вилоятининг Қибрай туманида 200 мингга яқин аҳоли истиқомат қилаяпти. Худуднинг пойтахтга яқинлиги аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаолигига, шунингдек, ободончилик, яратувчилик ботида улкан натижаларни қўлга киритишга замин бўлаяпти, десак муволажа бўлмайди. Айниқса янги иш ўринлари яратиш орқали аҳолини муқим иш билан таъминлашда салмоқли натижаларга эришилмоқда. Бу жараёнда O'zLiDeP электорати бўлган тадбиркор ва фермерлар ҳам фаол иштирок этмоқдалар. O'zLiDeP Қибрай туман кенгашидан олинган маълумотларда худудда 527 нафар партия аъзоси 36 та бошланғич ташкилот атрофида бирлашган ҳолда фаолият олиб бораётгани қайд этилган. Халқ депутатлари туман кенгашига эса партиядан 10 нафар депутат сайланган.

— Фаолиятимизда сифат кўрсаткичларига кўпроқ эътибор қаратаймиз, — дейди туман кенгаши раиси ўринбосари Зарофат Мухаммедова. — Ҳар йили ўнлаб тадбиркорлар, фермерлар, қолаверса, ёшлар партияга аъзо бўлиш истагини билдирмоқдалар. Бунда жойларда ўтказилаётган тадбирларимиз яхши самара берапти.

— Бошланғич партия ташкилотлари ишга қандай мезон асосида баҳо берайсизлар?

— Бугунги сайловчи фақат амалий ишларга қараб баҳо беради, албатта. Шу боис жойлардаги бошланғич ташкилотлар фаолияти оддий фуқаролар билан ишлаш кўникмасига қараб баҳолашмоқда. Масалан, яқинда бир гуруҳ тадбиркорлар тумандаги «Бобо деҳқон» бозоридаги айрим қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан партиямизга мурожаат қилдилар. Қипчоқ қишлоғи аҳолиси эса Тошкент шаҳрига қатновчи жамоат транспорт хизмати фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш борасида ёрдам сўрашди. Биз ҳар икки масала юзасидан ҳам мутасадди идораларга мурожаат қилиб, «Қипчоқ-ТЗ» йўналиши бўйича қатновчи жамоат транспорти фаолиятини йўлга қўйди. Бозордаги ноқонуний ҳолатлар ҳам барҳам топди. Бундай мурожаатларни ҳал этишда бошланғич ташкилотларимиз асосан депутатларимиз ёрдамидан фойдаланаяпти.



**АЙРИМ БПТ ЕТАКЧИЛАРИНИНГ ЭЪТИБОРСИЗЛИГИГА БОШ САБАБ ЮҚОРИ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ СУСТКАШЛИГИДИР. «ИШНИ ЭГЛОЛМАЯПТИ», ДЕЯ КАДРЛАРНИ АЛМАШТИРАВЕРИШ ЭСА ҲАР ДОИМ ҲАМ КУЧЛИ КАДРЛАР ЗАХИРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМАСА КЕРАК. ШУ ЎРИНДА O'ZLiDeP ҚИБРАЙ ТУМАН КЕНГАШИДА ТАШАБУСКОР ФАОЛЛАР, БУГУНГИ КУН ТАЛАБЛАРИНИ ТЕРАН ҲИС ЭТАДИГАН ДЕПУТАТЛАР БОРЛИГИНИ ҲАМ ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗ. ЛЕКИН...**

— Суҳбатимиз ўз-ўзидан депутатлар фаолиятига бориб тақалапти. Айтинг-чи, 2011 йилда халқ депутатлари туман кенгаши сессиясига депутатлик гуруҳи томонидан қандай масалалар киритилди?

— Ҳозирча бирон-бир аниқ масалани сессияга олиб чиқолганимиз йўқ. Аммо таклифлар тайёрланапти.

— Туманда 36 та БПТ фаолият олиб бораётган экан. Улар ишнини бугунги кун талаблари даражасида, дея оласизми?

— Йўқ, албатта. Фаолияти талабга жавоб бераётган бошланғич ташкилот етакчиларини алмаштираяпмиз. Албатта, бундай ҳолатларга туман кенгаши ҳам айбдор. Чунки кўпинча БПТлардан натижа талаб қиламиз-у, уларни ўз ҳолига ташлаб қўямиз. Айрим БПТ раисларида партиявий тажриба, билим, одамлар билан ишлаш қобилияти етишмаётганини сезиб туриб, уларга амалий ёрдам беришда сусткашликка йўл қўямиз.

— Суҳбатимиз якунида кенгаши билан қарийб ёнма-ён жойлашган фермерлар уюшмаси туман вакиллиги қошидаги БПТ фаолияти билан таътишмоқчи бўлди. Афсуски...

— Шундан кейин туман «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги бошланғич ташкилот иши билан қизиқдик. — 15 нафар аъзосимиз бор, — дейди БПТ етакчиси Хусан Авазатов. — Тез-тез корхоналар, маҳалла ва гузарлар, шунингдек, касб-хунар коллежларида бўлиб, турли тадбирлар ўтказаяпмиз. Айниқса, ёшлар ўртасида ғиёҳван-

обод, ҳар жиҳатдан ривожланган туманлардан бири. Бу ерда бир-биридан мазмунли тадбирлар ўтказиш, республикадаги таниқли олим ва сиёсатчилар, санъаткорлар жонга машҳур спортчилар билан учрашув, юзма-юз мулоқотлар уюштириш орқали партиявий фаолиятни истаганча кучайтириш мумкин. Балки, ҳақиқатан ҳам, айрим БПТ етакчиларининг эътиборсизлигига бош сабаб юқори ташкилотларнинг сусткашлигидир? «Ишни эгложмайпти», дея кадрларни алмаштиравериш эса ҳар доим ҳам кучли кадрлар захирасини шакллантиришга хизмат қилмас керак. Шу ўринда O'zLiDeP Қибрай туман кенгашида ташаббускор фаоллар, бугунги кун талабларини теран ҳис этадиган депутатлар борлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Зарофат Мухаммедова ҳамроҳлигида яна бир неча БПТлар фаолияти билан танишдик. Бир қарашда ишлар рисоладагидек. Бироқ аксарият бошланғич ташкилотларда бир-бирига ўхшаш камчиликларнинг кўзга ташланаётгани ҳақида айрим ҳудудларимизда БПТлар фаолияти талаб даражасида эмаслигидан далолат бермоқда. Мазкур ҳолатдан эса нафақат туман, балки O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши мутасаддилари ҳам жиддий хулосалар чиқаришса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Мақола аввалида таъкидланганидек, Қибрай пойтахтимиз ёнмасида жойлашган

### «Аёллар қаноти»

**САМАРҚАНД**  
«Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, божхона тўловларини амалга ошириш борасида қандай имтиёзлар мавжуд?» O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан шаҳардаги «Файз» хусусий корхонасида ташкил этилган тадбир айни шу мавзуга бағишланди. Унда маҳаллалар билан ҳамкорликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш масалалари хусусида фикр юритилди.

### ҚОРАҚЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

«Аёллар қаноти» бўлимининг Нукусда бўлиб ўтган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида маҳалла институтларининг роли ҳамда аҳамияти» мавзусидаги тадбирда жойларда кредитлаш тизимини такомиллаштириш, мутахассислар иштирокида тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш хусусида фикр юритилди. Тадбир ташкилотчилари бўлган «Аёллар қаноти», «Маҳалла» хайрия жамоа фонди, «Соелом авлод учун» жамғармаси ҳамда «Она ва бола скрининг» маркази вакиллари ушбу масалага оид тадбирлар, ўқув-семинарларни асосан республиканинг чекка қишлоқларида ташкил этишга қаратилган.

### ФАРҒОНА

Бувайда туманида «Тадбиркорлик таъйинлари ва ишбилармонлик имкониятлари» минтақавий лойиҳаси доирасида «Аёллар қаноти»нинг иқтидорли хотин-қизларни аниқлаш ва уларни маънавий қўллаб-қувватлашга оид навбатдаги тадбири бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари бозор иқтисодини давридаги имтиёз ва имкониятлар ҳақида тўхталиб, ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган хотин-қизларга амалий қўмаклашиш муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.



## ИНСТИТУТ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРАЯПТИ

Ҳар қандай сиёсий партиянинг самарали иш олиб бориши, энг аввало, унинг бирламчи бўғини — бошланғич ташкилотларининг нечоғли фаолият юритишига боғлиқдир. Айни пайтда БПТлар фаолиятини такомиллаштириш, бу борадаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш борасида мутасадди ташкилотлар томонидан кўплаб семинар-тренинг ва очик мулоқотлар уюштирилмоқда.

**Абулфайз САЙИДАСКАРОВ,**  
«XXI ASR»

O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар худудий бўлини маси билан ҳамкорликда «Сиёсий партия: бошланғич ташкилотларнинг самарали фаолиятини таъминлаш масалалари» мавзусида ўтказилган семинар-тренинг ҳам ана шу масалаларга бағишланди.

Партия ходимларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини мустақамлаш, БПТлар фаолияти самардорлигини оширишга ҳалал бераётган камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида ташкил этилган тадбирда O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши маъсул ходими Улутбек Эшонхўжаев.

— Бугунги тадбирда муҳокама этилган масалалардан тегишли хулосалар чиқардим, — дейди «Комтекс» МЧЖ қошидаги БПТ раиси Лутфулла Йўлдошев. — Чунки ўз ҳаётини сиёсий партия билан боғлашган ҳар бир маслақдонимиз, айниқса, улар бошини қовуштириб турган ташкилот етакчилари сиёсий билимларини мустақам ошириб боришлари шарт.

**XXI ASR**

ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

2012 ЙИЛ 7 ОЙИГА

БПТлар учун имтиёзли

**ОБУНА**

уюштириладигани маълум қилади.

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80



## СУД-ХУҚУҚ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОХОТЛАР

Инсон ҳуқуқ ва манфаатларига хизмат қилмоқда

**Хусан МУЛЛАЖОНОВ,**  
фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди раиси

Кейинги йилларда юртимизда ҳуқуқий давлатнинг муҳим таркибий қисми бўлган том маънодаги суд-ҳуқуқ тизими шакллантирилди. Мустақил суд ҳокимияти ушбу жараёнда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да таъкидланганидек, суд ҳокимиятини бошқича-бошқич мустақимлаб бориш, унинг мустақиллигини таъминлаш, собиқ тузум даврида бўлгани каби судларни жазоловчи орган эмас, балки инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялашга хизмат қиладиган мустақил институтга айлантиришга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Шуни айтиш керакки, суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда фаолият юритади. Судьяларнинг фақат қонунга бўйсунishi, уларнинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятига бирон-бир тарзда аралашшига йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашши қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши Бош Қомусимизда ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган.

Демократик ислохотларни чуқурлаштириш, қонунчилик ва ижтимоий адолатни қарор топтиришда судларнинг роли ошиб бораётганлиги эътиборга моликдир.

Хусусан, янги тахрирда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги қонун

суд тизимини такомиллаштириш, судьялар мустақиллигини таъминлашда муҳим қадам бўлди. Мазкур қонунга мувофиқ судлар адлия органлари тизимидан чиқарилиб, судьялик лавозимига номзод-

Агар 2001 йилда вилоят ва туманлараро судлар томонидан 2426 тадан ортиқ фуқаролик ишлари кўрилган бўлса, ўтган йили бу натижа 11000 тани ташкил этди. Судларга киритилган даъво аризалари-

манфаатларини апелляция ёки кассация инстанциялари орқали ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлдилар. Биргина 2011 йилда 375 дан ортиқ фуқаролик ишлари кассация ва апелляция инстанцияларида кўри-

**ЭНДИЛИКДА ФУҚАРОЛАР ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРГАН СУД ҚАРОРЛАРИДАН НОРОЗИ БЎЛГАН ТАҚДИРДА ЎЗ ХУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ АПЕЛЛЯЦИЯ ЁКИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯЛАРИ ОРҚАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА БЎЛДИЛАР. БИРГИНА 2011 ЙИЛДА 375 ДАН ОРТИҚ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ КАССАЦИЯ ВА АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯЛАРИДА КЎРИЛИБ, КЎПГИНА МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА СУД ҚАРОРЛАРИГА ТЕГИШЛИ ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИЛДИ**

ларни танлаш тизими тубдан ўзгартирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузурида судьялик лавозимига номзодларни танлаш ва тасвир қилишга ихтисослашган Олий маляка комиссияси тузилиб, шу ҳақдаги Низомнинг янги тахрири тасдиқланди, одил судловни амалга ошириш мақсадида умумий юрисдикция судлари негизда фуқаролик судлари ташкил этилди.

Агар илгари айни судья ҳам жиноят, ҳам фуқаролик ишларини кўрган бўлса, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонида мувофиқ судлар ихтисослаштирилди. Умумюрисдикция судлари негизда Сирдарёда 1 та вилоят ва 4 та туманлараро судлар ташкил этилганлигини, уларнинг самарали иш юритиши учун барча шарт-шароит яратиб берилганлиги ҳам ҳуқуқий ислохотлар самарасидир.

2001 йил 1 январдан фаолият бошлаган фуқаролик ишлари судлари аҳоли ва юридик шахслар ўртасида юзага келадиган турли муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, уларнинг қонун билан кўриқланидиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

нинг 88 фоиздан ортиги қаноатлантирилиб, қонуний ҳал этилганлиги ҳам эътиборга моликдир.

Таҳлиллар кўрсатадики, 2011 йил давомида мазмунан ҳал этилган ишларнинг 9627 таси бўйича суднинг ҳал қилув қарорлари чиқарилиб, шундан 9214 та иш бўйича даъво талаблари қаноатлантирилди. Тарафлар ўзаро келишувга эришганлиги туфайли 1,037 та фуқаролик иши тугатилди. Маълумки, яқин қариндошлар ўртасида юзага келган турли келишмовчиликлар ҳам асосан суд орқалигина қонуний ҳал этилиши мумкин, холос.

2012 йилнинг мамлакатимизда «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши муносабати билан эса фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан низоларни ҳал қилишнинг муқобил усулларида жиддий эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғини, хотин-қизлар қўмитаси ва оила маркази ходимлари ушбу масала билан жиддий шуғулланиб, эрхотинни яраштириш чораларини кўрмоқдалар. Қўплаб оилавий низолар шу тарихда суд иштирокисиз ҳал этилаётти.

Эндиликда фуқаролар қонуний кучга кирган суд қарорларидан норози бўлган тақдирда ўз ҳуқуқ ва

либ, кўпгина масалалар бўйича суд қарорларига тегишли ўзгартишлар киритилди ёки бутунлай янги қарорлар қабул қилинди.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, судларнинг ихтисослашуви яхши натижаларга олиб келмоқда.

Шу ўринда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, жумладан, даъво аризалари ва шикоятларни қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш борасидаги жараёнлар янада соддалаштириладиганини таъкидлаш лозим. Олий Мажлис томонидан 2002 йил 29 августда қабул қилинган махсус қарор ҳам асосан суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришни кўзда тутди. Шу асосда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, суд ишларининг ошқоралигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, амалдаги фуқаролик-процессуал кодексининг 20-боб билан тўлдирилганлиги судлар фаолиятини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этаётти.

Бир сўз билан айтганда, судларнинг ихтисослашуви ҳуқуқ соҳасидаги туб янгиллик бўлиб, халқаро амалиётга тўла мосдир. Бу эса ишларни тез ва сифатли кўришда муҳим аҳамият касб этаётти.

## Қулайлик

### ҲАММАСИ ФЕРМЕРЛАР УЧУН

«Ўзқишлоқхўжаликмашинсиз» компанияси кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган 25 мингдан ортиқ корхона ҳамда фермерларга лизинг шартлари асосида 590 млрд. сўм қийматдаги қарийб 37 500 донга техника етказиб берди. Миллий матбуот марказида ташкил этилган брифингда лизинг фаолиятига қаратилаётган эътибор мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасининг ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Компания бошқаруви раиси Н.Отажоновнинг таъкидлашича, сўнгги 7 йилда мамлакатимизда лизинг берувчилар сони 3 баробарга ортган. Агар 2011 йилда улар сони 85 тага етган бўлса, операциялар ҳажми 90,5 млрд. сўмдан (2005 йил) 484 млрд. сўмга ошган.

Таъбирла Юртбошимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроекономик кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, фермер хўжаликлари, машина-трактор парклари ҳамда «Қишлоқхўжаликкимё» АЖнинг ҳудудий бўлинмаларининг «Ўзқишлоқхўжаликмашинсиз» томонидан имтиёзли лизинг шартлари асосида хизмат кўрсатилаётгани, яъни улар учун олдиндан тўлов ҳажми 15 фоиз миқдорда белгилангани, тўлов муддатлари эса харазмлик ва қорақалпоғистонлик фермерлар учун 10 йилгача, бошқа вилоятлардаги мижозлар учун 7 йилгача узайтирилгани айтиб ўтилди.

## Маҳаллий саноат



### «САНЖАР АСЛИДДИН» ИМТИЁЗДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЯПТИ

Бухоро вилоятида ҳам қўшма корхоналар, кичик бизнес субъектлари тармоғи тобора кенгайиб бормоқда

**Асхор ИСТАМОВ,**  
«XXI ASR»

Айни пайтда вилоятда 26 мингта яқин ана шундай субъектлар бўлиб, 2011 йилда уларнинг худудий маҳсулот ҳажмидаги улуши 65,7 фоизни ташкил этди. Жорий йилда эса саноат соҳасида ягона солиқ тўлови ставкаси 23 фоиздан 5 фоизга пасайтирилгани ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун зарур бўлган айланма маблағларни кўпайтиришда муҳим аҳамият касб эта бошлади.

Мебель ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Санжар Аслиддин» қўшма корхонасида ҳам ана шундай қулайлик ва имтиёзлар туфайли салмоқли натижаларга эришляяпти. Уй-жой ва офис мебеллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур корхонанинг ўз савдо дўкони бўлиб, харидорлар бу ерда ўзларига маъқул жиҳозларни сотиб олаёттилар. Агар корхона ўз фаолиятини бошлаган 2009 йилда 92 млн. сўмлик маҳсулот реализация қилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 154 млн. сўмга, 2011 йилда эса 253 млн. сўмга етди. Айни пайтда

қўшма корхонада ўз касбининг усталари бўлган Ҳусниддин Бозоров, Ҳабиб Гадов, Баҳриддин Қўзиев сингари етук мутахассислар фаолият юритмоқдалар.

2011 йилда корхона фойдаси ҳисобидан 32 млн. сўм қийматидаги замонавий линия харид қилинган, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури 20 дан ошди.

Бугун «Санжар Аслиддин» маҳсулотларини нафақат Бухоро, балки Навоий, Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри савдо дўконларида ҳам учратиш мумкин. Чунки улар юқори сифати ва ўзинга хос дизайни билан ажралиб туради.

## Ҳуқуқ

### ҚАРЗИНГИЗНИ УНДИРА ОЛМАЯПСИЗМИ? УНДА ҚОНУНГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ

Маълумки, кундалик турмушимиз ўзаро мулоқот ва манфаатлар мувозанатида асосланган

**Зилола ЮЛДАШЕВА,**  
Зангиота туманидаги 11-сонли Давлат нотариал идораси нотариуси

Ушбу жараёнда кимгадир қарз бериш ёки бязи ҳолларда қарз олишга тўғри келади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида олинган маблағни ўз вақтида қайтариш ва икки субъект ўртасида ишончнинг устуворлигига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, айрим ҳолларда фуқароларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши англамайдилар. Оқибатда мулкий муносабатларда айрим тушунмовчиликлар келиб чиқади.

Мамлакатимиз қонунчилигида бу боралдаги муносабатлар қарз шартномаси билан тартибга солинади. Ҳўш, қарз шартномаси нима, у қандай тузилади? Қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турта хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради. Қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб ўшанга суммалаги пулни ёки қарга олинган ашёларнинг ҳали, сифати ва миқдорига тенг ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади. Қарз шартномаси пул ёки ашёлар топширилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 733-моддасига мувофиқ, фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар бу сумма энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда, шартномадаги тарафлардан бири юридик шахс бўлганда эса суммасидан қатъий назар, ёзма шаклда тузилиши шарт.

Агар қарз олувчининг тилхати ёки қарз берувчи томонидан унга муайян миқдордаги ашёлар топширилганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

Қарз шартномаси тарафлардан бирининг хоҳиш-талаби бўйича исталган нотариал идорада тасдиқланиши мумкин. Ушбу жараёнда тарафларнинг ҳарқай истаклари пушта ўранилиши лозим. Шартномада қарзнинг қайтарилиш муддати, жойи ва мажбурият ижросини таъминлаш усуллари ҳақида нотариус томонидан тушунтирилганлиги кўрсатилиши керак.

Қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддат ва тартибда қайтариши шарт. Агар қарз суммасини қайтариш муддати шартномада белгиланган бўлмаса, қарз олувчи уни қарз берувчи қарни қайтариш ҳақида талаб қўйган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қайтариши лозим.

Қарз шартномаси бўйича қарз олган шахс томонидан тўлов муддати ўтказиб юборилган тақдирда қарз берувчининг иттимосига қўра нотариус қарздорга мулкни қайтариш ёки қарз суммасини қайтариб бериш тўғрисидаги нотариал ҳаракатини амалга ошириши ва бу ҳақда гувоҳнома бериши мумкин.

Демак, фуқароларимиз қарз бериш ёки олишдан аввал нотариал идорада қарз шартномаси тузиб, уни расмийлаштириб қўйсалар, ортиқча оворачарчиликларнинг олди олинган бўлади.

## Реклама

# Мы увеличим Ваши сбережения

КСБ предлагает Вам выгодно разместить свободные средства в банковские депозиты и получить процентное вознаграждение



Credit  
Standard  
Bank

## Депозиты

(998 71) 140 12 00  
140 50 05

www.csb.uz  
info@csb.uz

# Маънавий инқироз остонасида

**Жаҳон оммавий ахборот воситалари БМТ маълумотларига таяниб, 2011 йилда 75 миллион нафарга яқин йигит-қизнинг ўз иш жойидан айрилганини, 900 миллион нафар ёш тўйиб овқат емаётганини, 100 миллиондан ортиқ ўсмир эса мактабга қатнаш имкониятидан маҳрум бўлганини таъкидламоқдалар**

## Файзулло АБДУЛБОКИЕВ

Энг даҳшатлиси, ўтган йилнинг ҳар кунда ҳали баалоғат ёшига етмаганларнинг 2000 нафардан зиёди ВИЧ вирусини юқтирган. Айрим мамлакатларда эрта никоҳдан ўтиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани эса аёллар ва болалар ўлимнинг кўпайишига олиб келяпти. БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун 24 апрель — Халқаро ёшлар бирдамлиги кунига бағишланган тадбирда асосан ана шу муаммоларга эътибор қаратди. Унинг таъкидлашича, ҳар йили ер юзида 10 миллион нафар киз 18 ёшга тўлмай турмушга узатилаётган бўлса, 16 миллион ўсмир киз оналар қаторига қўшилмоқда.

Маълумки, ХХ асрнинг сўнгги саммити ҳисобланган БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йилги сессиясида янги мингйиллик Декларацияси қабул қилиниб, унда инсоният олдида турган 8 та энг асосий муаммони ҳал этиш вазифаси белгилаб олинган эди. Дунёда қашшоқлик ва очарчиликни бартараф этиш, фуқароларнинг бошланғич таълим олишларини таъминлаш, эркак ва аёллар тенглигига эришиш, болалар ўлимини камайтириш, оналар саломатлигини яхшилаш, ортирилган имун таъчиллиги вируси ва безгак сингари оғир касалликларга қарши кураш, экологик барқарорликни таъминлаш, тараққиётга эришиш мақсадида глобал ҳамкорликни кучайтириш дунёнинг 185 мамлакатини

раҳбарлари томонидан имзоланган ҳужжатда ўз аксини топган эди. Аммо, афсуски, ўтган 12 йилда дунёнинг қатор давлатлари ана шундай муаммолар масалаларни ҳал эта олмадилар. Таъкидлаш керакки, ёшлар бутунги кунда дунё аҳолисининг 18 фоизини ташкил этади. Уларнинг 85 фоизи ривожланаётган мамлакатларда истиқомат қилади. Ишсизлик, ёшлар ва ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш масаласи ана шу ҳудудлардаги энг ўткир муаммолардан бўлиб қоляпти. Бундан-да ачинарлиси — давлатларни ичидан емиришга олиб келувчи маънавий хуружлар ва маънавиятсизликнинг авж олишидир. Бундай ҳолатлар кўпроқ океан ортида ва Европа мамлакатларида кузатиляпти. Шу кунларда жаҳон жамоатчилигининг эътибори дунёдаги энг фаровон мамлакатлардан ҳисобланмиш Норвегияда бўлиб ўтаётган суд жараёнига қаратилган, десак муболага бўлмайди. Чунки мамлакатда Европа тарихидаги энг йирик террорчилик ҳаракатларидан бирини содир этган Андерс Брейвик янги бир тушунчани — Брейвик синдромини юзага келтирди. Айрим таҳлилчилар ушбу хавфни Европа учун энг катта таҳдид, дея баҳолай бошладилар. Маълумки, Брейвик 2011 йилнинг июль ойида Утойа оролида Ишчилар партиясининг ёшлар лагерида 69 кишини ўққа тутиб, мамлакат пойтахтида қатор портлашларни амалга оширган эди. Натижалада 77 фуқаро ҳаётдан кўз юмган.

Ҳеч бир иккиланишларсиз шунча жиноят содир этган Брейвик ўз қилмишини “Европанинг кўзини очиб қўйиш” мақсадида амалга оширганини таъкидламоқда. Бу, ўз навбатида, Европа мамлакатларидаги радикал гуруҳлар, хусусан, ёшлар орасида унинг фаолиятини қўллаб-қувватловчиларнинг кўпайишига олиб келяпти. Умуман, Андерс Брейвик содир этган жиноят шунчаки Европа мамлакатларида иммигранцияга нисбатан шаклланаётган ахлоқ эмас, балки қияфда маданий қарашларнинг, ахлоқий мезонларнинг емириляётганидан ҳам далолат берапти. Чунки Фарбога хос турмуш тарзи, ҳаёт қадриятлари, индивидуализм охири-оқибат пуч бўлиб чиқаяпти. Ўрни келганда шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, хоҳлаймизми-йўқми, жамиятдаги барқарорликни, мувозанатни ахлоқий метрлар, маънавий қадриятлар орқалигина таъминлаш мумкин. Агар Европа бутун ўз тарбия мактабини қайта кўриб чиқмас экан, бундай ваҳшийликларга ҳали жуда кўп дуч келиши мумкин. Франциянинг Тулуза шаҳрида мактаб ўқувчиларига қарата отилган ўқлар ёмири ҳам бунга мисол бўла олади. Брейвик синдромининг ягона давоси, шубҳасиз, маънавий тарбиядаги кемтикларни тўлдиривди. Ушбу хавф фақат Европанинг ўзигагина тааллуқли эмас, албатта. Айни пайтда қирғиз жамоатчилиги ҳам воёта етмаганлар томонидан содир этилаётган

жиноятлар кўлами тобора ошиб бораётганидан хавотирга тушмоқда. 2011 йилдагина ёшлар томонидан 800 дан ортиқ оғир жиноятлар содир этилгани мамлакатдаги вазият анчайин мураккаб эканидан далолат бериши мумкин. ЮНИСЕФнинг Қирғизистондаги вакилининг айтишича, деярли 40 минг оилада болалар ҳатто тутилганлик ҳақидаги гувоҳномага ҳам эга эмас. Бу ҳам етмаганидек, болалар уйлари ва интернатлардаги болалар сони йил сайин кўпайиб борапти. Биргина давлатга қарашли меҳрибонлик уйлари сонининг 100 дан ошгани, хусусийлар бундан бир неча баробар кўплиги, умуман, бундай муассасаларда тарбияланувчилар сони 22 мингдан ортгани ижтимоий-сиёсий вазиятни ўнглаш қўшни мамлакат учун ҳаётмамот масаласига айланганини далолатидир. Криминал қирғиз жамияти ижтимоий ҳаётнинг барча жаҳаларига, жумладан, сиёсатга чўқур кириб бўлганлигини ҳисобга олсак, бу «хасталик» мамлакатнинг диний тоқатсизлик қирғинидаги жиноятларнинг ортиб бораётгани, алкоголь ичимликлар, гиёҳанд моддаларни истеъмол қилаётган ёшлар сони кўпаяётгани маънавият ва маърифат масалаларига эътиборсизлик ҳар қандай давлат ҳавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини хавф остига қўйиши ва охири-оқибатда жамиятни таназулга етаклаши мумкинлигини кўрсатмоқда. Тан олши керак: жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарларида тилга олинадиган четта чиқиб қолишимиз мумкин. Шу боис мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда ёшлар тарбиясига, маънавият ва маърифат масалаларига, миллий қадриятлар ва тарихни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Минг шўқрки, мамлакатимизда баркамол авлодни воёта етказиш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар ва қулай



имкониятлар яратилган. Бугун дунё ва атрофимизда кечаётган мураккаб ҳолатлар, у ёки бу мамлакатда ирқчилик, миллатчилик, шовинистик, диний тоқатсизлик қирғинидаги жиноятларнинг ортиб бораётгани, алкоголь ичимликлар, гиёҳанд моддаларни истеъмол қилаётган ёшлар сони кўпаяётгани маънавият ва маърифат масалаларига эътиборсизлик ҳар қандай давлат ҳавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини хавф остига қўйиши ва охири-оқибатда жамиятни таназулга етаклаши мумкинлигини кўрсатмоқда. Тан олши керак: жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарларида тилга олинадиган четта чиқиб қолишимиз мумкин. Шу боис мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда ёшлар тарбиясига, маънавият ва маърифат масалаларига, миллий қадриятлар ва тарихни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Минг шўқрки, мамлакатимизда баркамол авлодни воёта етказиш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар ва қулай

сидаги концепцияни қайта кўриб чиқиш, мактаб ва оилада ўзаро меҳр-оқибат ва аҳилликни, шакллантиришга, оммавий ахборот воситаларида эса зўравонликни тарғиб этувчи чиқишларни тақиқлашга мажбур бўлмоқдалар. Шундай бўлиши ҳам табиий. Масалан, кейинги йилларда Францияда юқори синф ўқувчилари орасида мунтазам равишда гиёҳанд моддалар, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш одат тусига кириб борапти. Бундан-да аянчлиси, шаҳарлар кўчаларида одамлар кўнглига гулгула ва қўрқув солиш билан шуғулланаётган ўсмирлар гуруҳлари пайдо бўляпти. Ахлоқ тузатиш колониялари ўсмирлар билан тўлиб-тошаётди. Натижалада Европада бўшлиқни тўлдирishi, ёшларни ўз ортидан эргаштиришга қодир бўлган ўта миллатчи, фашистик кўчалар сайловлар арасида ўз позицияларини мустаҳкамлаб олмоқдалар.

Энг ёмони, бундай ҳатти-ҳаракатлар “оммавий маданият” ниҳоби остида амалга ошириляпти. Бу “маданият”га ўчган миллатнинг неча минг йиллик қадриятлари, маънавий бойликлари ўз таъсир кучини йўқотиши, қадрсизланиши аниқ. Эро, бундай “оммавий маданият” оломонини, ўзгалар хоҳиш-иродасига бўйсунадиган манкуртлар тўдасини воёта етказди. Бундай “маданият”нинг асосини эса “Авал мен, кейин бошқалар!” кўри-

нишидаги гарбона индивидуализм ва эгоистик қарашлар илоҳийлаштирилган этноцентризм юзаси ташкил этади. Бизнинг кўҳна Шарқда эса оилага, жамоага интилиш, уларнинг манфаатларини устун қўйиш анъанаси минг йиллар давомида ўзининг ижобий натижаларини бериб келган ва бу жараён давом этмоқда. Юрпимизда 2012 йилнинг “Мустақкам оила йили” деб эълон қилиниши ҳам бизнинг мана шундай эзгу, умуминсоний руҳдаги маънавиятимизни намоён этмоқда. Шу ўринда фан-техника тараққиёти том маънода дунёни торайтира бошлаганини ҳам таъкидлаш жоиз. Бугун битта хонада ўтириб, бир неча дақиқада бутун дунёга истаганча ахборот тарқатиш мумкин. Аммо ижтимоий ҳаётимизга кириб келадиган ҳар бир ижобий нарсга ўз ортидан бир қатор салбий оқибатларни етаклаб келиши ҳам бор гап. Айни пайтда ахборот майдонига ўчма манфаат тўқнашди: ахборотни ишлаб чиқарувчилар, тарқатувчилар ва истеъмолчилар манфаати. Тарқатиш соҳасида қўлга киритилган тезкорлик имконияти, турган гапки, уни ишлаб чиқарганлар ва истеъмолчиларга ҳам таъсир этмай қолмайди. Бу вазият эса “ахборот хуружи” феноменини юзага келтирди. Дунёни ўргимчак түридек ўраб олган интернет тармоғида турли хилдаги бузғунчи, террорчилик, порногра-

## Воқеалар, гаалимар, шарҳлар

### 8 НАФАР НОМЗОД ЎЙИНДАН ЧИҚДИ



Социалистик партиядан кўрсатилган номзод Франсуа Олланд ва амалдаги давлат раҳбари Николля Саркози Франциядаги президентлик сайловларининг иккинчи босқичига чиқди. Дастлабки натижаларга кўра, Олланд 28,59 фоиз, Саркози эса 27,09 фоиздан кўпроқ овоз тўплаган.

Қарийб 20 фоиз овоз олган ўнг радикал қарашдаги Миллий фронт раҳбари Марин Ле Пен учинчи, ундан кейинги ўринини эса 10 фоиздан кўпроқ овоз билан Жан-Люк Меланшон эгаллаган. Шу тариха, президентлик лавозимига даъвогар 10 номзод сайловчилар кўригидан ўтди. Сайловнинг иккинчи босқичи 6 май кунига белгиланган.

### ЭНДИ АФРИКА ЯШИЛ ҚИТЪАГА АЙЛАНДИ



Мутахассисларнинг фикрича, асосан қурғоқчиликдан азийт чекадиган Африка қитъаси каттагина ер ости сувлари захирасига эга экан. Британия геология хизмати ҳамда Лондон университетини тадқиқотчилари сув захираларининг батафсил хабарини тузиб, шундай хулосага келдилар. Эътиборлиси, истеъмолга яроқли, деярли таъкидланаётган оби ҳаёт ер устидаги сув микдоридан 100 баравар кўплиги таъкидланмоқда. Тадқиқотчилар захирадан фойдаланиш учун қўл насослари билан таъминланган қудуқлар тармоғини яратишни тақлиф этишляпти. Бу янгилик 300 миллиондан ортиқ аҳоли сув таъқислигидан қийналяётган қитъа учун нихоятда қувонарли хабар бўлди.

### «NOKIA» ЗАРАРИ 1,49 МЛРД.



Жорий йилнинг биринчи чораги ақунларига кўра, дунёга донги кетган Nokia компанияси 1,49 миллиард евро микдорда зарар кўрган. Натижалада унинг ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан даромади 29 фоизга камайган ва 7,35 миллиард долларни ташкил этган. Расман эълон қилинган ҳисоботда таъкидланишича, компания корхоналарида 70,8 миллион донга мобил телефон ишлаб чиқарилган. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 16 фоизга камдир. Смартфонлар етказиб бериш эса икки бараварга камайиб, 11,9 миллион донга тушиб қолган.

### ПАРЛАМЕНТ ИШОНЧСИЗЛИК ВОТУМИНИ КўРИБ ЧИҚАДИ



Чехия ҳукумати раҳбари Петр Нечаснинг таъкидлашича, парламентга Вазирлар Маҳкамасига нисбатан ишончсизлик вотиуми масаласи киритилди. Агар депутатлар Вазирлар Маҳкамасига ишончсизлик билдирган тақдирда мамлакат бош вазири, яъни Нечас парламентни тарқатиб юборишга ва муддатидан аввал сайловлар ўтказишга эришишини айтган. Парламентни тарқатиб юбориш ҳақидаги қарор 3 май кунини қабул қилиниши мумкин. Вазият шундай тус олса, сайловлар июнь ойида бўлиб ўтади.

Ақбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.

**XXI ASR**  
Ijtimoiy-siyosiy gazeta

**ОБУНА**  
ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80,  
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy,  
tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab  
tadbirsiz loqayd kishilardan yaxshidir.

Бугунимиз каҳрамонлари

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИГА ЯНГИ УЙЛАР

Эл-юрт осойишталигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш жамиятимиз ҳаётига хос бўлган муҳим вазифалардан биридир. Рўзғори бут, оиласидан кўнгли тўқ ички ишлар ходимигина ҳар қандай вазифани аъло даражада уддалайди. Зотан, бу хизмат самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз

Шахло БОБОЕВА, ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва Юридик таъминлаш бошқармаси инспектори

Мамакатимизда аҳоли турмуш маданиятини юксалтириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоялашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас. Жумладан, Президентимизнинг 2001 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги фармонида ҳам тармоқ ходимларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, жойларда жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш юзасидан амалга ошириладиган ишларни такомиллаштириш масалаларига алоҳида ургу берилган. Кунни кеча ички ишлар идоралари ходимлари-



дан 36 нафарига Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида жойлашган 9 қаватли турар-жойдан янги уйлар ажратилганлиги ижтимоий ислохот-

ларнинг амалий самарасини яққол намоён этди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган маросимда ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлюбов иштирок этиб, давлатимиз томонидан соҳа ходимларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг муносиб ҳаёт кечиришлари учун катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётганлигини таъкидлади. Маълумки, бугун ички ишлар идоралари сафларида Ватанимизга содиқ, ўз бурчига масъулият билан ёндашадиган минг-минглаб фидойи йигит-қизлар хизмат қилишмоқда. Уларнинг фаолияти, азму шижоати тобора янги маъно касб этиб, халқимизнинг юксак ҳурматига сазовор бўлмоқда. Тармоқ ходимларининг маънавий қўллаб-қувватланиши эса эртанги кунимизнинг янада тинч, осуда бўлишини таъминлашга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Об-ҳаво



Қарғонда ғалим сувга термлаб ўтирган балиқчинини рўпарисига бесўнақай тимсоҳ сузиб келди. — Ҳаво ғидираман дегилми! Ёниб кетмай дегилми! — хасрат қилиб балиқчи. — Бир шўнгиб чиқар экансиз-да, унда. Майли, кутиб тураман.

Гидрометеорология маркази хабарига кўра, 25 апрель-3 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзғариб туради, 27-28 апрелда баъзи жойларда ёмғир ёғиши, момақалдиқ бўлиши мумкин. Ҳарорат кечаси 13-18, кундузи 27-29 даража илқ бўлади. Бўхоро ва Навоий вилоятларида шамол шарқдан 7-12 м/с, тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 13-18, кундузи 28-30 даража илқ бўлади. Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ҳам ҳаво ўзғариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечаси 13-18, кундузи 23-28 даража илқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида термометр кўрсаткичлари кечаси 13-18, кундузи 24-29 даража илқ бўлишини кўрсатади. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида ҳам ҳаво ўзгарувчан бўлиб, 27-29 апрелда баъзи жойларда ёмғир ёғиши, момақалдиқ бўлиши мумкин. Ҳарорат кечаси 13-18, кундузи 23-28 даража илқ бўлади. Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида ҳам ҳаво ўзгарувчан бўлади. Шамол шарқдан 7-12 м/с, тезликда эсиб, момақалдиқ пайтида 15-20 м/сгача кучаяди. Ҳарорат кечаси 13-18, кундузи 23-28 даража илқ бўлади. Республиканинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзғариб туради, 27-29 апрель кунлари ёмғир ёғиб, момақалдиқ бўлиши мумкин. Ҳарорат кечаси 8-13, кундузи 13-18 даража илқ бўлади.

Реклама

Advertisement for Kсимелин (Kсимометазолин). Features a car image and text describing its benefits for nasal congestion relief.

Advertisement for Йодомарин (Йодид калия). Features a family image and text describing its benefits for iodine deficiency and immunity.

200 НАФАР ДЗЮДОЧИ ИШТИРОКИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН МАЪЖУР МУСОБАҚА ДАВОМИДА ТЕРМА ЖАМОАМИЗНИНГ 3 НАФАР АЪЗОСИ «ЛОНДОН-2012» МУСОБАҚАЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ ИМКОНИНИ БЕРУВИ СЎНГИ ЙЎЛЛАМАЛАР УЧУН КУРАШ ОЛИБ БОРАДИ.

Дзюдо

ТОШКЕНТ - ҚИТЪА ЧЕМПИОНАТИ МЕЗБОНИ

Эртага пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида дзюдо бўйича Осиё чемпионатида старт берилади

Шухрат ХҲҲАЕВ, «XXI ASR»



Аҳамиятли томони шундаки, дунёнинг 25 мамлакатидан ташриф буюрадиган салкам 200 нафар дзюдочилар иштирокида ўтказиладиган маъжур мусобақа давомида терма жамоамизнинг 3 нафар аъзоси «Лондон-2012» мусобақаларида иштирок этиш имконини берувчи сўнги йўлланмалар учун кураш олиб боради. (Эслатиб ўтиш жоиз: ҳозиргача 6 нафар дзюдочимиз XXX Олимпия уйинлари лицензияларини қўлга киритиб бўлган).

Ўзбекистон Дзюдо федерацияси аxbорот хизматида хабар қилинишича, 3 кун давом этадиган қитъа чемпионатининг дастлабки икки кунда дзюдочилар шахсий рейтинг кўрсаткичларини яхшилаш учун гиламга чиқсалар, 29 апрель кунини миллий терма жамоалар ўртасида баҳслар бошланади. Хусусан, эртага ва илдинда бўлиб ўтадиган беллашувларда 81 кг. вазндаги дзюдочимиз Яхё Имомов ҳамда 66 кг. вазни тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган яққакурашчи Мирзохид Фармонов тўртйилликнинг энг нуфузли мусобақаси йўлланмаларини қўлга киритишга ҳаракат қиладилар. Шу йил февраль ойида Прагада бўлиб ўтган жаҳон кубогини беллашувларида ўз вазни тоифасида тенгсиз, деб топилган Яхё Имомов Лондон «чип-

та»сини қўлга киритиш учун керакли очколарни тўплаган ҳолда рейтингнинг 35-поғонасига кўтарилиши лозим. Мирзохид эса ўз мақсадига эришиш учун турнир якунлари бўйича 66 килограммликлар рейтингини 22-ўринни эгаллаши, яъни Осиё чемпионатида кучли бешликдан жой олиши керак. Бундан ташқари жаҳон кубогини совринли ўринни банд этган ҳамюртимиз — Римма Бердикулова (52 кг.) ҳам чемпионатнинг хотин-қизлар ўртасидаги баҳсларида яхши натижаларни қайд этган ҳолда Олимпиада йўлланмасини қўлга киритиши мумкин. Хабарларга кўра, Улуғбек Азизов, Наврўз Жўрақойлов, Дилшод Чориев, Рамизиддин Саидов, Одижон Тулондибоев, Ришод Собиров ва Абдулла Тангриев каби

етақчи дзюдочиларимиз қатнашадиган чемпионатда дастлабки ўринларни банд этган 4 та терма жамоа жорий йил кузида Бразилияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати йўлланмасига эга бўлади. «Тошкент-2012» якунланганидан сўнг, аниқроғи 2 май кунини Халқаро Дзюдо федерацияси (IJF) Лондонга борадиган дзюдочиларнинг якуний рўйхатини эълон қиладди. Шу ўринда чемпионатга IJF президенти — Мариус Визернинг ташриф буюришини, турнир давомида ўтказилган учрашувлар давомида Ўзбекистонда наватдаги Олимпия уйинлари лицензиялари уйналадиган «Гран-при» турнирини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларга оидинлик қиритилишини айтиб ўтиш лозим.